

# БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК, АЗИЗ ДЎСТЛАР!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

## ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 250 (4945)  
6 НОЯБРЬ 1982 й.  
ШАНБА  
Газета 1966 йил  
1 июлдан чиқа бошлади.  
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

### Долзарб мавзу

## ОКТАБРЬ ЙЎЛИДАН

Мамлакатимиз тарихидаги шонли саналарни зарбдор меҳнат билан кутиб олиш, меҳнат тўхфаси тайёрлаш совет кишиларида анъанага айланган. Биз янги тузумга, фахр билан — совет халқи деб аталувчи турли миллат кишиларининг янги бирлигига асос солган Улуғ Октябрь социалистик революциясининг йиллигини кутлуг байрам деб атаймиз. Совет ҳокимияти бирлаштирган совет кишилари коммунистик жамиятини ишонч билан бунёд этишяпти. Совет шарқининг эркин юлдузи Ўзбекистон — тенглар даврасида тенгдир. Биз бошқа совет республикалари билан биргаликда мамлакатимизнинг яна бир эркин байрами — СССР ташкил топганининг 60 йиллигини нишонлашга тайёрланмоқдамиз.

Улуғ Октябрнинг 65 йиллиги байрамга тайёргерлик Тошкент корхоналари, ташкилотлари ва муассасалари коллективларида юксак меҳнат кўтаринчилигини авж олдириди. Минглаб ишчилар, бинокорлар шонли сана шарафига оширилган мажбуриятлар қабул қилишди, меҳнат рапортлари тақдирланди. В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Таштекстильмаш», «Кизил тоғ» бирлашмалари ва бошқа завод, фабрикаларнинг цехларида қизгин меҳнат мароми ҳукм сурмоқда. Барчанинг куч-гайратини бириктириб, байрамона кўрсаткичда намоён бўлди — шаҳар саноати ўн ойлик плани муваффақиятли бажарди. Ана шу галабага «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш», электрон-техника ва бошқа заводларнинг коллективлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

Октябрь олди меҳнат ваҳтасининг олдинги сафида биз ҳақли равишда социалистик мусобақа пешқадамлари деб атавиқ илгорлар, коммунистик меҳнат зарбдори фахрли ўнвонига сазовор кишилар боришди. Байрам шарафига қабул қилинган мажбуриятлар бажарилганлиги тўғрисидаги рапортлар ўтган ойдаёқ кела бошлади. Тошкент бадний буюмлар фабрикаси коллективини ўн ойлик план бажарилганлиги тўғрисида мuddатидан илгари рапорт берди. Бу ерда 70 та коммунистик меҳнат бригадаси ишлаяпти. Энг моҳир каштачи, меҳнат ветерани, Меҳнат Қизил Байроқ ордени кавалери Р. Шарафуддинова бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш мажбуриятини олган. Тошкент каноп фабрикасининг икки тўғувчиси коммунист Н. Пушкарёва билан Н. Халимова топшириққа қўшимча 13 тонна бўз газлама учун ил тайёрлашди. Ишчиларнинг бир-бирига ҳамкорлиги юксак кўрсаткичларга эришиш омили бўляпти. Октябрь воёга етказган интернационализм бизга истиқболга дадил қараш, янги ютуқлар сари интилиш ҳуқуқини беради. Ана шундай дўстона ҳамкорлик тўғриси «Малика» трикотаж бир-

лашмаси комсомол-ёшлар бригадасининг бригадари Машкура Қодировага байрам арафасида шахсий ўн биринчи беш йиллик маррасига кўтарилш имконини берди. «Главакентстрой»нинг 153-трестига қарашли 1-қурилиш бошқармасининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Х. Баҳодиров бошчилигидаги интернационал комплекс бригадаси яхши натижаларга эришяпти. Илгор бригаданинг меҳнат календаридида ҳозирдаёқ 1983 йил бошланди. Тошкент автоомобил трестининг 2505-автоконтинна коллективи байрамни юқори меҳнат ўрсаткичлари билан кутиб оляпти. Меҳнат рақобатининг олдинги сафида М. Шодиев, В. Лукьянов, М. Аъламов ва бошқа ҳайдовчилар боришяпти.

Дастгоҳлар, йиғув конвейерлари ёнидаги меҳнат муваффақиятлари байрамона яхши кайфиятга босиб ўляпти, албатта. Л. И. Брежневнинг Ўзбекистон ССР давлатга дон, сабзавот, картошка, ҳўл мева, узум ва полиз маҳсулотлари сотиш планларини бажарганлиги муносабати билан йўллаган табриқдаги қалбимизга яқин сўзларини ўқиб, ҳар биримиз республикамиздан, шонли деҳқонларимиздан гоёт фахрландик. Табриқда шундай сўзлар бор: «КПСС Марказий Комитети республика меҳнаткашлари, деҳқонлар етиштирган бутун ҳосилни муваффақиятли равишда йиғиштириб олишни ниҳоясига етказиш учун зўр куч-гайрат сарфлайдилар ва ҳаммаи бўлганидек, давлатга пахта сотиш юзасидан олинган юксак социалистик мажбуриятларни шараф билан бажардилар, СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигини мунособи кутиб олиш учун социалистик мусобақада янги-янги муваффақиятларга эришадилар, деб ишонч билдирадид. Партия-миз Марказий Комитети Бош секретарининг бу сўзлари — қақирғи янги меҳнат муваффақиятларига чорляпти.

Бугун Октябр байрамини кутиб олар эканмиз Л. И. Брежнев томонидан КПСС XXVI съездида айтилган аюойиб сўзларни эслаб ўтиш ўринлидир: «Йигирманчи аср ўзидан аввал ўтган ҳар бир юз йилдагидан кўра кўпроқ ўзгариш ясади. Бошқа бирон мамлакат бў ўзгаришларга Улуғ Октябр Ватани, социализм галаба қилган биринчи мамлакат — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи каби салмоқлироқ ҳисса қўшгани йўқ. Мана, еттинчи ўн йилликдирки, Лениннинг зафарли байроғи бу Ватанини нурафшон қилиб турибди!» Ана шу сўзларда бизнинг ўзиниз, бизнинг меҳнатимиз, бизнинг Совет Иттифоқи Коммунистик Партиясига садоқатимиз акс этган.

Октябрни кутиб олар эканмиз, муваффақиятлар ҳақида рапортлар берайлиқми. Лекин ҳали олдидида йил охиригача, беш йиллик охиригача қилмадиган ишлар кўпчилигини унут-қалмак керак. Вазифалар эса оз эмас. Уларнинг бажариллиши яқинлашиб келаётган аюойиб байрам — СССР ташкил топганининг 60 йиллигига таёйргерликка бизнинг салмоқли ҳиссамиз бўлади.

Биз Улуғ Октябр социалистик революциясининг 65 йиллигини кутиб оляптиқ. Биз буюк Октябр белгила берган йўлдан олға бораёлиқ!

### ЛЕНИН БАЙРОГИ ОСТИДА, КОММУНИСТИК ПАРТИЯ РАХБАРЛИГИДА — КОММУНИЗМ ГАЛАБАСИ САРИ, ОЛГА!

(КПСС Марказий Комитетининг Чақирғиларидан).

### ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

● Ишлаб чиқариш илгорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, фан ва маданият арбоблари, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчилари, Москва области меҳнаткашларининг ақиллари 5 ноябрь кунин Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида байрам кайфияти билан йиғилдилар. Бу ерда халқ депутатлари Москва Совети билан КПСС шаҳар комитетининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 65 йиллиги байрамга бағишланган тантанали мажлиси бўлди.

Мажлис қатнашчилари Л. И. Брежнев, Ю. В. Андропов, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, П. Н. Демичев, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев, М. В. Зияяни, И. В. Капитонов, К. В. Русаков ўртоқларни ўринларидан туриб, гўлдурас қарсақлар билан кутиб олдилар.

Мажлис қатнашчилари КПСС Марказий Комитети Сибсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришини самийий кутиб олдилар. В. В. Гришин «Улуғ Октябр ишини давом эттириб» мавзуда доклад қилди.

● Тошкент меҳнаткашлари вакилларининг 5 ноябрь кунин бўлиб ўтган тантанали йиғилиши Октябрнинг 65 йиллигига бағишланди. КПСС Марказий Комитети Сибсий бюроси аъзоллигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоллига кандидатлари Ғ. А. Айтмуратов, Л. И. Греков, Ю. П. Максимова, М. М. Мухоморова, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонов, О. У. Салимов, А. А. Хўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Н. М. Махмудова, Л. Н. Мелкумов, Ўзбекистон ССР Олий Совети президиуми раисининг ўринбосари Г. М. Орлов, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари Р. Х. Абдуллаева, К. А. Аҳмедов, В. К. Михайлов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев президиумдан жой оладилар.

Йиғилиши Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Умаров очди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари И. П. Анисимов Улуғ Октябр социалистик революциясининг 65 йиллиги тўғрисида доклад қилди.

Тантанали йиғилишлар ҳақидаги батафсил ҳисобот тонгги газетаalarda эълон қилинган.

## ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

ТОШКЕНТДА ЯГОНА СИЕСИЙ АХБОРОТ КУНИ БЎЛИБ УТДИ

Тошкент корхоналари, қурилишлари, ташкилот ва муассасалари меҳнат коллективлари ҳузурига партия ва совет раҳбарлари, олимлар, «Билми» жамиятининг лекторлари келдилар. Улар «Улуғ Октябр йўлидан» мавзуда суҳбат ўтказдилар.

Олтмиш йил муқаддам Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар партияси раҳбарлик қилган Россия пролетариати, меҳнаткор халқимизнинг тарихида туб ўзгаришлар ясади, уларни ҳақиқий мустақил тараққиёт, ҳар томонлама социалистик тартиб ва маданий тараққиёт йўлига олиб чиқди. Сибсий докладчилар Улуғ Октябр 65 йиллиги ўзига хос байрам экани — У СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги арафасида ўтаётганини таъкидладилар. Тошкент меҳнаткашлари Улуғ Октябр 65 йиллигини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олмоқдалар. Бу шонли санани мунособи кутиб олиш бўйича социалистик мусобақа кенг тус олиб, экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришда аюойиб ютуқлар кўлга киритилди. Тошкент саноат корхоналари коллективлари буюмларнинг асосий турларини ишлаб чиқариш ва маҳсулот реализация қилиш ўн ойлик планини мuddатидан илгари бажарганликлари ҳақида рапорт бердилар.

## ШАВКАТЛИ МЕХНАТ УЧУН

Кеча Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг нашриёти коллективига шу йилнинг учинчи кварталда Бутуниттифоқ социалистик мусобақасидаги муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети ишлар бошқармаси ва маданият ходимлари касба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил Байроғи топширилди.

Қизил байроқ топширилишига бағишланган тантанали йиғилишда нашриёт директори И. Ш. Шогуломов сўзга чиқиб, шундай деди:

— Улуғ Октябр байрами арафасида икки минг кишилик коллективимизга юксак ва фахрли мукофот топширилиши бизни янги ютуқлар сари илқомлантиради. Ишчилар, инженер-техник ходимлар ва хизматчилар барча техник-иктисодий кўрсаткичлар бўйича мажбуриятлари бажаришда ва илгилангани нашриёт полиграфиячилари бундан кейин ҳам СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига социалистик мусобақанин олдинги сафида бўладилар деб ишонтиришди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудир Э. Ф. Фафуржонов иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ЕЗУВЧИЛАР СОЮЗИ МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР ҚИЛАДИ

## ЖАНГОВАР ҲАРАКАТ ПРОГРАММАСИ

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзида партия ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон ССР Езувчилар союзини равланесининг биринчи секретари С. А. Азимов, Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Н. Сафаров, Ўзбекистон ССР халқ шоири Уйғун, КПСС Марказий Комитетининг гўнда қабул қилган Адабий-бадний журналларининг коммунистик қурилиш практикаси билан имодий алоқалари тўғрисидаги нагори езувчилар учун кўп йилларга мўлжалланган жанговар ҳаракат программаси эканлигини таъкидладилар.

Нотинлар совет турмуш тарзи пропагандаси билан чамбарчас боғлиқ бўлган тинчлик учун нураш мавзуга езувчилар алоҳида эътибор беришлари лозим, деб таъкидладилар. Проза, поэзия, публицистика асарларида мамлакатимиз ҳақида, совет халқларининг ҳаёти ҳақида, Совет Иттифоқи халқларининг қаҳрамонлиги ва матонати ҳақида ҳақиқий ҳиссиёт қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Бундай асарлар ҳақида тинчлик ишига ҳизмат қилади, гоёвий душманларимизга индий зарба беради.

Ҳисобот-сайлов йиғилиши қабул қилган қарорда республика Езувчилар ташкилоти фаолиятини янада яхшилаш йўллари белгиланди.

Ўзбекистон ССР Езувчилар союзининг биринчи секретари бўлиб ўтган мажлисида Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси Раҳмат Фаизий партия бюросининг секретари этиб сайланди.



## 1. ЛЕНИН ҚАЛБИМИЗДА

- Революция доҳийсига пой тахтимизнинг бош майдонидида ўрнатилган ёдгорлик.
- Марказий В. И. Ленин музейининг Тошкент филиалида.
- Ленин гоёлари хазинасидан баҳраманд бўлиш учун бу ерга кекса-ю ёш ташриф буюради.



### Коммунист маънавий олами ҳақида оқшом суҳбатлари

## Ильич ҳамиша бизга намуна

Коммунизмни мустақамлаш ва батамом қуриш учун курашиш коммунистик ахлоқнинг асосидир. Коммунистик руҳда тарбия бериш, ўқитиш ва билим ўргатишининг асоси ҳам мана шундай иборат. Коммунизмни қандай ўрганиш керак, деган саволга жавоб ҳам шундан иборат.



Урта бўйли, кексайиб қолган, бироқ жуда тетик ва ҳаракатчан бу кишини Тошкентдаги В. И. Ленин номи электрон-техника заводидида ҳамма билади. У бу корхонада узоқ йиллар ишлаган, анчадан буюн пенсияда бўлишига қарамай, ҳозир деярли ҳар кунин бу ерга келади. Уни цехда ишчилар учун сиёсий ахборот ўтказиб туришда ҳам, парткомда, партия ташкилотининг иши билан қизиқиб турганида ёки заводда чиқадиган кўп нусхали газета редакциясига навбатдаги хабарни олиб келганида ҳам учратишингиз мумкин... Уни В. И. Ленин музейининг Тошкентдаги филиалида пионерлар даврасида ҳам, кўп кишилик митингда минбарда ҳажонлариниб гапирётганида ҳам кўршингиз мумкин.

Унинг ёшини сўраб ўнғайсиз аҳволга тушиб қоласиз ва уяласиз: у саксон уч ёшда. У ўзини кўп эмас, эллик ёшдагидек ҳис этаётганини айтади. Шунда бехосдан: қани энди мен ҳам эллик ёшда шу мўйсафиддек тетик бўлсам, деган фикр хаёлингизга келади.

Ҳа, социалистик жамият қурувчилар биринчи авлодининг вакили, Ленин қақирғи коммунисти Ефим Айзикович Перлин

саксон уч ёшга кирди. Атиги саксон учга кирди, дейиш тўғрироқ бўларди, чунки Перлиннинг ўзи: кўп яшадим, бироқ, яна кўп нарсалар қилгим келади, дейди.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам у кўп яшайди ва кўп нарсаларни бошидан кечирди. Ефим Айзикович граждандар урушининг оловли йўлларини босиб ўтди, прототрядчилар сафида бўлди, қуллоқлар исёнини бостиришда қатнашди, йигирма беш мингчилар қаторида янги колхоз қурди, урушининг дастлабки кунларида Украина корхоналарини мамлакат ичарисига эвакуация қилиб, журналистика бўйича Коммунистик институтда ўқиди...

1949 йилдан буюн Е. Перлин Тошкентда яшамоқда ва меҳнат қилмоқда.

Коммунизмнинг маънавий дунёси тўғрисидаги суҳбатимиз биз қанте ҳаётини позиция» деган, эндида машҳур тушунчани асосий 20-йилларнинг коммунистик қандай тасаввур қилганликлари ҳақидаги саволдан бошлайди. Революция биринчи жангчиларида бундай зўр ич-гайрат бўлишининг «сири» нимада!

(Давоми 2-бетда.)

# ИЛЬИЧ ҲАМИША БИЗГА НАМУНА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— «Сир»и? — Ефим Айзикович кўзини қисиб бир дақиқа ўйлаб қолди. — Эски кўлаб ўрнида янги, ёруғ, шинам ўз унингни қўриганида қандай қувонасан, киши. Ахир биз, кечганига оғир меҳнатда эзилган собиқ батрак авлоди эса янги дунёни кўрдик. Кўп нарса хотирамдан кўтарилган, лекин болалигимда савод чиқариш учун уч километр наридаги икки синфли черков билан юртига борганимизни яхши эслайман. Савод эса «худо, подшоһи асра!» сўзларидан бошланган, сал янглишсанг, борми, бошингда калтак синарди.

Гарчи бир асри қоралаб қолган бўлсам-да (1899 йилда туғилганман) бироқ, ҳаётимни 1917 йилдан бошланган деб ҳисоблайман. Менинг ҳаётим Улуг Октябрь билан бошланди, дейман фахр ва қувонч билан. Бизнинг ёш қалбларимизда актив ҳаётий позиция ана ўшанда пайдо бўлган эди.

Биз оддий ишчи йигитлар эдик, «ўз» янги дунёни» кўрдик, «очарчиликни йўқотдик, душманлар билан курашдик...»

1922 йили эслайман. Ўшанда Кировоград тегиримонда меҳнат қилардим. Ўртоқларим билан бир кун мудири унинг бир қисмини қонсуз равишда сотаётганини пайқаб қолдик. Шундай «очарчиликда-я!» «Газетага ёз, ораминда саводлиси сен» — маслаҳат беришди ишчилар. Мен ёзиб, «Соцнаступ» газета редакциясига олиб келдим. Хабарим босилиб чиқди.

Бир неча кундан сўнг у округ партия комитети мажлисида муҳокама қилинди. Юлғични ишдан олишди.

Камчиликларни тугатишда партияга, мамлакатга ёрдам бера олишимни, хизматдош ўртоқларимнинг дидил таклифларини ҳаётга жорий этишда қўмақлашим мумкинлигини мен дастлаб ўшанда тусунганман. Кейинроқ мен Владимир Ильич Ленин асарлари билан танишдим, у революцияга қўлдан дарвазасини ишчиларнинг матбуотда иштироки тўғрисида омуви қилганлигини билдим. Ана энди эса матбуотимизни ишчи ва деҳқонлар кўли билан чиқариш, ҳаётга актив ариштириш, барча янги, қизиқарли керакли нарсаларни оммага етказиш учун барча имкониятлар мавжуд.

Янги жаҳон курувчиларнинг биринчи авлоди бўлган Сизнинг авлоднинг ҳозирги ёшлар учун ёрқин намунадир. Сизнинг узиниш учун ким намуна бўлган? Сиз ўз ҳаётингизда, иштингизда кимга тенглашгансиз?

— Албатта, партия ветеранлари, революциянинг оташин гвардияси, биринчи навбатда — Ленин бизга намуна бўлди. Мўсафидими ёки комсомол ўсмирим, ким бўлишимиздан қатъий назар Ильич ҳам-маминга энг ёрқин намунадир. У — коммунистларнинг ўтган ва бўлажак ҳамма авлодлари учун намунадир.

Владимир Ильичнинг вафоти ер юзидан барча меҳнат аҳллари учун оғир қайғу бўлди. У пайтда мен — станок ишчиси Кировограддаги округ совет-партия мактабда ўқитганим, мени партиясиз активист сифатида партиясиз умумий билимни ҳамда сиёсий савиямни ошириш учун, у ерга жўнатган эди. Партия Ленин таъқирини эълон қилганда, мен ўз ҳаётимни партия хизматига, Ильич ишига бағишлашга қатъий аҳд қилдим. Мен 1924 йилда 240 минг ўз тенгдошим билан Коммунист партия сафига кириш шарафига мўъассар бўлганман.

Ўша кунларда мен В. И. Ленин асарларини кўп ўқиб ва қайта ўқиб, уларда ўзимни тўқинланган саволларга жавоблар топардим, гўё ўз ишларимни, ўзимнинг бутун ҳаётимни унинг фикрларига солиштирдим.

Владимир Ильичнинг олмаси — Мария Ильичична билан унинг рафиқаси — Надежда Константиновна Крупскаянинг оқ йўл тилаб айтган сўзлари ҳаётимда гоят катта роль ўйнаганини айтмай ўтолмайман.

Бизни, активистлар ҳамда ишчи мухбирлардан бир гуруҳини Кировоград округ партия комитети 1926 йилда Москва ва Ленинградга бориш билан мукофотлади. Биз нима бўлса ҳам ўша пайтда Мария Ильичична Ульянова ишлаган Ленинча «Правда» редакциясида бўлишга аҳд қилдик. Бахтимизни, қарангки, биз бунга муваффақ бўлдик. Бизни Мария Ильичична жуда самимий қутуб олди, биз у билан редакцияда бир ярим соат бўлдик. У биздан ҳамма нарсаи — ҳаётимизни, ишларимизни, газетда иштирокимизни сўради, кўпгина қимматли маслаҳатлар берди. Шу пайтда редак-

цияга Надежда Константиновна Крупская ҳам кириб келди. У биздан мактабларда болаларни ўқитишнинг аҳолини, болалар қаровисизлиги билан қандай курашилаётганини сўради. Буларнинг ҳаммаси ҳақида маҳаллий ва марказий газеталарга тез-тез ёзиб туришимизни илтимос қилди.

Ленин ўша кунни биз Владимир Ильич тўғрисида аниқсиз кўп гаплашдик. Уни дохий сифатидагина эмас, балки оддий инсон сифатида ҳам биладиган яқин кишилардан у ҳақда эшитиш биз учун ниҳоятда қизиқарли бўлди.

Ҳамма нарсага аралашиб — чинакам коммунистнинг асосий фаилатларидан биридир. Лениннинг асарларини — унинг нўтларини, хатларини, мақолаларини бир эслаб кўринг-а! Ильични қизиқтирмаган нима бор эди? Иш билан ўта банд бўлган партия ва давлат аربобини ҳамма нарса ҳаяжонлантирган. Мирзачўлининг ва ўтин келтирилад қолган болалар уйининг тақдирини, ГОЭЛРО плани ва деҳқонларнинг шикоятлари уни бирдай ташвишлантирган...

— Ефим Айзикович! Сиз бир неча марта партия ташкилотларининг секретари қилиб сайлангансиз. Сиз пропаганда сифатида партия сўзини меҳнат коллективларига етказасиз. Сизнингча, партия ташкилотларининг жанговарлиги, ташаббускорлиги, ундаги коммунистларнинг роли ҳозир нималарда намойён бўлмоқда?

— Коммунистнинг вазифаларидан бири — доим олданда бориш, бошқаларни ўзига эргаштириш, меҳнатда ташаббус кўрсатиш, ўз билимининг такомиллаштириш, ҳам-миша изланишдир. КПСС Устави биздан шуну талаб қилади. Бироқ, биз ҳар доим ана шу талабни бажаримизми? Айрим коммунистлар ташкилот фаолиятини фақат яхлит баҳолашга ўрганиб қолганлар, цех, бўлим яхши ишлаётирми — бас, демек, партия ташкилотини ҳам юқори даражада, деб ўйлайдилар. Ҳўш, у ёки бу партия аъзоси умумий ишга қандай ҳисса қўшаётир, у ўзининг авангардик ролини қандай бажараётир, ўз ўртоқларига қандай намуна кўрсатаётир, ишларини қандай тарбиялайётир — шу сингари бошқа кўпгина масалалар баъзан партия бюроси комитети эътиборидан четда қолмоқда.

Бундан бир неча кун олдин бўлиб ўтган Тошкент шаҳар партия комитетининг пленуми материалларини диққат билан ўқиб чиқдим. Пленум катнашчилари бошлангич партия ташкилотлари жанговарлигини ошириш тўғрисида принципал конкрет гап юридилар. Уқун Умарович ўз докладыда эътиборни ҳали коммунистлар бошчилиги қилаётган, план топириқларини худдаламаётган айрим участкалар, цехлар, ҳали иш нормасини бажармаётган коммунистлар борлигига қаратди. Бундай коммунистларда партиявий вийдон, кишилар, партиясизлар, комсомоллар олдиданги масъулият туйғуси қани? Ахир бошқалар коммунистда меҳнатсеварлик ва фидойилик, вийдонлик ва ҳалоллик намунасини кўришга одадла-нишган-ку!

Сўз ва иш бирлиги... Биз бу қисқа, лўнда иборани кўп эшитамиз, лекин доим ҳам шундай бўладими? Коммунист, бунинг устига раҳбар коммунистнинг сўзи ва иши фарқ қилса бу, аниқсиз ёмон. Ахир у ҳаммадан кўп атрофдагиларнинг, бутун коллективнинг эътиборида бўлади. У коллективнинг бошқа аъзоларига ҳаммадан кўп таъсир қилади. Менимча шу боисдан ҳам катта ва кичик нарсалардан у доимо ўзига, ўз коммунистлик бурчига содиқ қолиши, бошқалар учун намуна бўлиши, энг муҳими — ишдан ҳар қандай камчиликлар билан мураса қилмаслиги керак.

— Бу сатрлар Сизнинг Шахсий дафтариңгиздан олдинган сатрлардир. У Сизнинг пропаганда сифатида фаолиятингизда қандай ёрдам бераётир, унинг саҳифаларида нималар сақланган?

— Коммунистнинг Шахсий дафтарини юритиш — менинг азалий одадим. Унга мен халқроқ темалардаги чиқишларимни, кўндalik почтани ўқитганимдаги хабарларини, коммунист, унинг маънавий дунёси қандай бўлиши лозимлигини ёзиб бораман. Унда Лениннинг партия, ёшлар, мамлакат истиқбол ҳақидаги кўпгина фикрлари ёзилган. Булар менга ўзимни яхшироқ англашда, ҳозирги замони тушунишда, истиқболни тасаввур қилишда ёрдам бераётир.

Ленин — бу буюк намунадир...

Сўхбатни Александр ТЮРНКОВ ёзиб олди.



# 2. ЛЕНИН ҚАЛБИМИЗДА



● Октябрь революцияси номдаги завод. Ильичга ўрнатилган дастлабки ҳайкаллардан бири шу ерда қад кўтарган.  
● Тошкент метрополитени ва унинг станцияларидан бири В. И. Ленин номи билан аталади.  
● Лениннинг номи ер юзиданги барча қишлоқлар учун азиз ва машҳурдир.

# НАВОЙ НОМЛИ СТАНЦИЯ

РЕПОРТАЖ

Бундан беш йил муқаддам фойдаланишга топширилган Тошкент метроси бугунги кунда энг қулай транспорт тури бўлиб қолди. Ҳар кун минглаб йўловчилар ер ости йўли хизматидан фойдаланишмоқда. Ҳозирда пойтахтнинг 18 километрни ер ости йўлини 12 та ажиоб муҳташам ер ости қасри безаб турибди. Шу билан бирга Тошкент метросининг иккинчи навбати биринчи линияси қурилиши ҳам жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

Тошкент метро қурилиш трестининг бўлимлари коллективлари иш суръатини тобора юксалтиришга эришмоқдалар. Бу фикримизни шу йилнинг 10 ойлик иш якунилари ҳам тўла исботлайди. Утган ойлар мобайнида метросозлар 15 миллион 953 минг сўмлик қурилиш ишларини бажардилар. Улар бу йил учинчи марта учинчи квартал якунига кўра СССР транспорт қурилиш министрига кўма қилди байрогини кўлга киритишга муваффақ бўлилар.

Байрам арафасида мухбирларимиз ўзбек халқининг буюк шоири ва мутафаккири Алишер Навоий номли станция қурилишида бўлилар.

10-участка бошлиги амалга ошириляётган А. В. Иванов бизни ишлар ҳақида фахрланган объект қурилиши билан таништирар экан.

чи вестибюль конструкториясини монтаж қилиямиз, линия остидаги шотлан қазини давом эттириямиз ва вентиляция камералари деворларини пардоз қилиямиз. Объектдаги асосий ишларни «Ўн бешлар ташаббуси»нинг ижодкорларидан бири «Бир беш йилда» — иккинчи беш йилда» ширини остида ишлаётган Л. Токарчук бошлиқ бригада амалга оширмоқда. Бу бригада билан ёнма-ён В. Алёшина бошлиқ пардозовчилар ва Ф. Мамбетов етакчилигидаги изоляциячи бригадалари меҳнат қилияпти.

Биз Иванов билан бирга хандоққа тушдик. Йўлда у лаҳмчиларнинг олдидан турган

мураккаб вазифалар ҳақида гапириб берди. Маълум бўлишича, ҳали олданда талай қийинчиликлар бор экан. Биринчи навбатда зах сувларни йўқотишди. Станция қурилиши олдидан бундай сувларни қочириб бўйча анча ишлар амалга оширилди. Бугунда ҳам улар лаҳмчиларга катта ташвиш келтирмоқда. Шунинг учун ҳам биринчи марта Тошкентда ишлаб турган станция ортидан ер қазини ишлари маълум даражада ана шундай қийинчиликларга олиб келди. Бироқ, метросозлар бундан келмаптитилар. Улар

мавжуд тўсиқларни фидоқорлик ва жоноблик билан ҳал этмоқдалар.

— Мана қурилиш хўжайини, — дея биз томонга келётган В. Сидоровни таништирдик. А. Иванов табассум билан, Маълум бўлишича, ўша дамда Л. Токарчук объектда иш қилган, В. Сидоров эса унинг ўринбосари бўлиб ишлар экан. Биз ундан бригада ҳақида ва коллективнинг Улуг Октябрь байрамини қандай қутиб олаётганини, социалистик мажбуриятларини қандай бажарётганини ҳақида сўрадик.

— Бригадамизда жами 37 нафар киши бўлиб, уларнинг ҳар бири мақтовга лойиқдир, — дейди у. — Масалан, лавандловчилар Л. Грохальский ва Ю. Янкияларни олайлик. Уларнинг ишлари кўзатар экансиз, дил қувонади. Улар ҳар кун топшириқларини ортиги билан адо этишиб, иш суръатини бир зум ҳам суяйтирмаптитилар. Шунингдек, мураккаб шартноларда ер қазини ишларини бажарётган А. Кожеников, М. Юн-

сов, Н. Ботиров, В. Колотушкин, И. Бутов, Б. Турсунбоев каби лаҳмчилар фидоқорлик намунасини кўрсатаётдилар. Бригадамизнинг ҳар бир аъзоси тўғрисида ана шундай илқ гапларни айтиш мумкин. Уларнинг ҳар бири белги-ланган план ва топшириқларини қабул қилинган социалистик мажбуриятларини сўзсиз бажариш учун жон кўйдиришмоқда. Мана шунинг учун ҳам Улуг Октябрьнинг 65 йиллигини меҳнатда муносиб совғалар билан қарши оляпмиз.


Социалистик мажбуриятларни муваффақиятлик бажарилишига коммунистлар ҳам муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бригадада 17 кишидан иборат партгруппа ташкил этилган. Уни Илёс Валеев бошқармоқда. Коммунистлар ишлаб чиқариш масалаларидан ташқари маданий-маиший масалалар бўйича ҳам шуғуланмоқда л а в а р Яқинда партия ҳисо-

қилиш бўлиб, унда бригада коллективининг ишлаб чиқариш ва бошқа масалалари муҳокама этилди. Унда иш суръатини янада ошириш, СССР ташкил этилган куннинг 60 йиллигини муносиб меҳнат армуғонлари билан қутиб олиш масалалари кўриб чиқилди.

Коммунистлар доимо олдинги сафда бориляпти. Бутун коллектив уларга тенглашишга ҳаракат қилади.

Қурилишдан қайтар эканмиз, метросозларнинг фидоқорона меҳнатини кўриб қалбимиз фахр тўғуларига тўлиб тошди. Ҳар бир ишчи минутлар қадрига етиб, янги станция қурилишига қалб қурини қўшмоқда. Ҳеч шубҳа йўқки, яқин кунларда янги линия бўйлаб поездлар қатнай бошлайди.

Т. ТОШЕВ, Э. ЗОХИДОВ.



# 33. БАЙРАМ КАЙФИЯТИ

● УРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ ТАБРИГИ ЯНГИ ЗАФАРЛАРГА ЧОРЛАМОҚДА ● МУРОЖААТГА ТОШКЕНТЛИКЛАР ЖАВОБИ ● «ҲАР БИРИМИЗНИНГ ҲАҚИДА» ДЕЙИШМОҚДА ҲАШАРЧИЛАР.

## АНКЕТА САВОЛЛАРИ:

- 1. Бахт деганда нимага тушунасиз?
- 2. «Меҳнат семестрига» муносабатингиз қандай?

Бугун анкета саволларига Тошкент геология-кирдув техникуми геофизика бўлимининг 2-курс студенти Елена ПУЛЧЕНКО жавоб беради:

1. Ҳақимизга қўйган мақсадга эришишим

Бахт деб биламан. Севган касбимда ишлаш ҳам — бахт. Мен ўзгалар ҳисобидан бахт ахтариладиганларини эътирмайман. Октябрь берган бахт ҳар биримизнинг она-Ватанимиз йўлида фидоқорлик қилишимизни тақозо этади.

2. «Меҳнат семестрида» бир-биримиз билан яқиндан танишпимиз, ўзимизнинг нимага қодир эканлигимизни ҳис қилишимиз. Шу маънода «меҳнат семестри» яхши.

Улуг Октябрь байрами айёмида Жиззах областидаги Октябрь районида қайси хўжайиннинг қайси хўжайинга айланганда бўлади. Бу ерда Владимир областидаги Кольчугино шаҳридан келтирилган эди. Уша пайтда ўн тўрт ешда эдим. Уйимиз ёнгина-сида жойлашган шу заводга ишга кирдим. Оддий ишчи, группа

бормайлик, икки марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Носиров фарзандларининг олдани экипачи меҳнат намунаси ҳақида гапирдишарди. Бектиёр икки воқеани эсладик. Ҳамкасбларимиздан бири Ҳамроқул ота Носиров иккинчи марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони билан тақдирланган кезларидан у билан суҳбатлашгани кирганда ота

етган шу кишига беришган экан. У ҳамкасбимизга: «Уйга кирсам кўрпачалар солиғлик экан, унга ўтирдиму қувончимдан кўзларимга ёш

камтарлик қилиб ўзи ҳақида яхшиси «Москва» колхозия хонадонларининг фикрини эшитишни маслаҳат берибди. Шунда бир сувчининг уйига кирган ҳамкасбимиз қизиқ бир воқеани эшитди. Маълум бўлишича, у истиқомат қилаётган мана шу уй қуриб битказилиб, жиҳозлар билан безатилган, колхозда 25 йилдан буён сувчи бўлиб кела-

қуёши остида қамол топти. Ана шу нурафшон кўёш нуридан бизнинг оиламиз ҳам бахраманд.

Р. МАҲРАМОВ, Меҳнат Қизил Байроқ ва «Хурмат белгиси» орденлари кавалери, Ўзбекистон СССРда хизмат кўрсатган рацдионализатор, Қуйбисев район Советининг депутаты.

## СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ

Меҳнатқаш инсонга ёртоқ иқбол йўлини еритган Улуг Октябрь

## ИҚБОЛ ҚУЁШИ

куёши остида барча қардош республикалар қатори Ўзбекистон ҳам янаб турган ўлғайиб айланди. Қардошлар ва дўстлик гоғларини халқларнинг эзгу ширини бўлиб қолди. Бу дўстлик туйғуси Улуг Ватан уруши йиллари-

да, аниқсиз намойён бўлди. Мен ўша оғир йиллар жуда яхши эслайман. Социалистик Ватанимизни ҳимоя қилишга отланган ҳам-шаҳарларимиз и н г жаңгалардаги жасоратлари бизни — фронт

орқасидигиларни га-длабага ҳисса қўшишга даъват этар эди. Эсимда 1941 йилнинг қишида Тошкентнинг шимоли-шарқидида биз яшайдиган Тоғли Чирчиқ станциясига жуда кўп одам тўп-

қуёши остида қамол топти. Ана шу нурафшон кўёш нуридан бизнинг оиламиз ҳам бахраманд.

М. НУРИДДИНОВ ФОТОСИ.

2 ТОШКЕНТ 6 НОЯБРЬ, 1982 й.

# ШАҲБА ОҚШОМИ



Ҳалима Худойбердиева 1948 йилда Сирдарё область Бовуг райониде туғилган. 1972 йилда В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетини тамомлаган. 1975—1977 йилларда М. Горький номидаги адабиёт институти қошидаги олий адабиёт курсларида ўқиди. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг «Еш гвардия» нашриётида ёшлар билан ишлаш редакциясининг мудир.

Ҳалима Худойбердиева рус ва ўзбек тилларида чоп этилган ўнга яқин шеърий китобларнинг муаллифидир. «Чаман», «Оқ олмалар», «Илк муҳаббат», «Сунъч тоғларим», «Бобо қуёш», «Иссиқ қор» каби тўпламлар шулар жумласидандир.

Шоира 1974 йилда Ўзбекистон Ленин комсомолу мукофотига сазовор бўлган.

## ШЕЪРИЯТ ОҚШОМИ

### ҲАЛИМА ХУДОЙБЕРДИЕВА:

# „БЕҲИШТИЙ БОҒЛАРИНГДАН БИР АНВОЙИ ИС КЕЛАР...“



## Тошкентга

Шаҳрим, вақт келди чоғи бир дардлашиб олмоққа,  
Сени паноҳ билганнинг ҳали суригани йўқ.  
Дунё тарозусида бундай ваэин салмоққа,  
Эга, бошқа бирорта шаҳар кўрингани йўқ.  
Бизлар-ку бир томондан киришимиз ризқ олгани,  
Бир ёндан чиқмоқдалар ташлаб бўшаган жойин.  
Айт, қайси бурчагинда мангу ухлаб қолгани,  
Гулдураган арслон руҳ устоз Гафур Гуломни.  
Сен сукутта чўмганда, бор бахтини гиз-гизлаб,  
Устоз наъра тортади тирикликдаги каби.  
Сен сукутта чўмганда, «Қаро кўзим»ни бузлаб,  
Кўп қадимий дарёдай оқар Юнус Ражабий.  
Бу дарёнинг селлари мени кўп бор оқизган.

Ешлигим сувдай оқди кўчаларингда сенинг.  
Бугун орта қарасам, кўнглимдан дардлар сизган.  
Мушфиқ, сирдош онадай кечаларингда сенинг.  
Бугун орта қарасам, япроқлар бурма-бурма,  
Беҳиштий боғларингдан бир анвоий ис келар.  
Бугун орта қарасам, орта изим учирмай,  
Тўрт-бешта шеър ва тағин тўртта ўнгиқиз келар.  
Улгурганим шу бўлди гарчанд камҳосил боғим,  
Аммо туташ ишар ул сендек сермева боққа.  
Ўзим қай бир бурчингда уйкуга кетар чоғим,  
Уларни қолдираман Сени жондан севмоққа.  
Шаҳрим, бир дардлашмоққа вақт келиб қолди чоғи.

Ҳеч ким жавоб бериб қаролмайди тик.  
Ҳам бахтсиз, ҳам хушбахт аёлдирман мен.  
Қирқ йилки елкамда «уруш» деган юк.  
Бахтсизлигим, тутаб кетдим гоҳ ўчдан,  
«Елғиз ўтмади-ку қанча ёш-қари?»  
Бахтим шу, уйимни қулфладим ичдан,  
Бу ўй судрамади мени ташқари.  
Бахтсизлигим шуки, ўтдим ишққа зор,  
Кўрдим-у, қаддига кўзим тўймади.  
Бахтим шу, кўйида сочим бўлди қор.  
Етоғимга ўза оёқ қўймади...  
Бахтсизлигим, умрбод кўз тиккаларим,  
Қирқ йил, қайтмади-ей, сароб бор шуқуқ.  
Бахтим, шу туйғуга кўнкаларим  
Ҳайратдаман, қандоқ портламади руҳ.  
Бахтим... Бахтсизлигим... санчаверди тиг  
Гарчанд ҳамон бутман, демаски юдгим.  
Хузур-ҳаловатли ердан воҳ дариг,  
Мен ўз-ўзим билан курашиб ўтдим.

## Эм Тоға Мева

Бир келинчақ тўрт ойлик хаста чақа-логини қайтиб олмаслик шарти билан касалхонага ташлаб кетди.

Гуноҳ маҳсулидир балки жаҳонда,  
Дунёга келтирмиш балки хатолар.  
Ва лекин ҳамма вақт, ҳар қандай онда,  
Гўдаклар энг тоза мева аталар.  
Мевам, қайси боғда бунёд бўлдинг Сен  
Қай ношуд бобон у мевасин отган  
Қай бир қондан бино, зурёд бўлдинг Сен  
Онам деб ҳар кимга жовдираб ётган.  
Балки отаг бордир, туйғуси қўлмак,  
Аммо амали бор, бергүвчи Фармон.  
Мушкулмас онанинг ҳолини билмоқ,  
Унинг сени ташлаб топгани армон.  
Ўзи ташлаб, ўзи дарақлаб, сўраб,  
Юрар тағиб сутли қўкракларини.  
Ажаб, сени оппоқ чойшабга ўраб,  
Дазмоллаб кетибди кўйлақларини.  
Муҳаббат, севардим, Сени жон қадар,  
Сен бунда ишқмас, йўқ, сўқирсан, мастсан.  
Она Сен ҳам энди кетарсан бадар,  
Қайтиб бу кўйлақни дазмолламасан.  
Билмайман, ким бунда ўтар солиб дол,  
Кимдан оз, ё кимдан кўпроқ айб ўтди.  
Билганим — кўрнамак, нопоқ икки зот —  
Бир тоза мевани поймоллаб ўтди.  
Бировлар қарғайди кўйини, бўзлаб,  
Биров кўз ёшини артар панада.  
Ҳар кўкракдан она исини излаб,  
Чақалоқ чирқираб касалхонада...

## Кубончи юки

УСТОЗ ЗУЛФИЯГА  
...Ҳалимажон, Ҳалима,  
Бахмалда, дил қайма  
Энг гуллаган ёшлик чоғида,  
Уйнаманган бир опам дурсан.  
Қўлдан берган бахтин доғида,  
Кўйлаб ўтган бечорам дурсан...  
(Устоз Зулфия тақдим этган суратлардан бирининг орқасидати ёзувдан.)

Кўксингизни авайланг устоз,  
Унда яшил берг яшайди.  
Унда икки ўлим билмас зот,  
Иноқ, бахтга фарқ яшайди.  
Қоп-қора кўз, қоп-қора сочли,  
Сор йигитни кўрқин ошириб,  
Кетиб бораёйсиз қувончи,  
Ризқ қилибми, кўздан яшириб.  
Бу — ёш қувонч, бу эмас дард, оҳ.  
Бу — яшмоқ тўзиб, кўқариб.  
Ҳижрон қирқ кун кўтарилмас гоҳ,  
Сиз кетасиз, қирқ йил кўтариб.  
Тағин тўхтаб олмайсиз ҳам тий —  
Мушкулмасми, нақ тоғ янгли, тоғ  
Катта халқнинг катта қувончи.  
Кўкрагида кўтариб юрмоқ!  
То тозадир шеърят кўки,  
То садоқат яшаркан ёниб.  
Бу юк — асли барчининг юки,  
Кўтармоқлик керак қувониб.

## Учинчи қоса

Уғил-қиз гуллаб кўқариб,  
Етилганда одамлар олди.  
Ҳар бирини бошда кўтариб,  
Она ўзи буклиб қолди.  
Бугун уллар яшарлар бекам,  
Қўндримаслар кириққа гардин.

Аммо, ҳамон дил ўкungan дам,  
Бориб ўнга тўқарлар дардин.  
Бор гурбатни эскими, янги  
Айтиб-айтиб ўнга тодирди.  
Қайтиб учиб кетарлар енгил-  
Бу юкларни ўнга қолдирди.  
Оғир, бедор кечар яна тун,  
Кўкрагида ортади оғриқ...  
Фарзандлар... эсга тушган кун  
Ҳат ёзарлар тилишиб соғлиқ.  
Хато, хато, хато бу ҳоллар  
Бу ёзуғни ўзинг учиргил.  
Турли ёққа эсган шамоллар —  
Фарзандларни ўзинг кечиргил.  
Ўнта фарзанд ўн бахтга эга  
Ҳар бирин ўз ишқу, ғазали.  
Ўнта гўдак талашиб еган  
Битта чинни коса асали!  
